

## ЛОЙИХА-СМЕТА, (ҚИДИРУВ ИШЛАРИ) ШАРТНОМАСИ № 21

ФАРГОНА ШАХРИ

2022 ЙИЛ “23” Июн

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Сирдарё-Сух ИТХБ хузуридан Мелиоратив экспедиция номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи бошчилиги З.Исмоилов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Фаргона Рахматжон Топограф» хусусий корхонаси номидан Низом асосида иш кўрувчи директор З.Рахматов иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКсининг 686-692 моддалари, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида»ги конуни, Курилиш меъёрлари ва коидалари (КМК 1.03.01) хамда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг соҳага оид карорларига асосан лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани туздилар.

### 1.Шартнома мавзуси

Фаргона вилояти № 101775 ЛОТ Бешарниқ тумани сел-тошқин сувларини қабул қилувчи туманлараро “КД” зовурини реконструкция килиш(ПК0+00 дан ПК13+00 гача) ишларига лойиха смета хужжатлари ишлаб чишиш” ва экспертизадан ўтказиш хамда муаллифлик назоратини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса вилоят Молия бошкармаси томонидан обьектнинг вилоят Фазначилик бошкармасидаги маҳсус ҳисоб ракамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### 2.Шартнома бўйича ишлар киймати

2.1. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган ишлар киймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда; 2022 й. «06» 16-кунги танлов хайъати йигилиши баёнига асосан олган холда жорий нархларда 33 000 000 (Үтгиз уч миллион ) сўмни, (ҚҚС билан).Шундан муаллифлик назорати ишлари 2 000 000 ( икки миллион) сўм Экспертиза харажатлари 3 000 000 (Уч миллион) сўмни ташкил килади.

2.2. Ишларни бажариш ишлар бошланган кундан эътиборан 1 кунни ташкил этади ва бажарилган ишлар 2022 йил “ 30 ” июнда буюртмачига тўлиқ топширилади

2.3. Ишлар киймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик кайта кўриб чикилиши мумкин эмас, қуйидаги холлар бундан мустасно: - курилиш кийматини кўпайтириш енгиг булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;

- Ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### 3.Пудратчининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва-барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб килинган кучлар билан тасдиқланган ҚМҚ, ШНК ва бошка меъёрий хужжатларга мувофиқ ишлаб чиқади ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради хамда ишни Буюртмачига ушбу шартнома шартларига мувофиқ топширади;

3.2. Буюртмачининг рухсатисиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бериш таъкидланади.

### 4.Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли хужжатларни далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

-ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул килиб олишни таъминлаш;

### 5.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

5.1. Вилоят Молия бошкармаси томонидан обьектнинг вилоят Фазначилик бошкармасидаги маҳсус ҳисоб ракамига маблағ ажратилганидан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 мартағи 139-сонли карори 1-1-бандига асосан Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг 30 фоизи микдорида аванс ўтказади.

5.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул килингандан сўнг берилган авансни пропорционал равиша ушлаб колган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия бошкармаси томонидан обьектнинг вилоят Фазначилик бошкармасидаги маҳсус ҳисоб ракамига маблағ ажратилгандан сўнг, молия йили тугамасдан обьект умумий шартномавий киймати доирасида амалга оширилади.

5.3. Пудратчи бажарган ишларга мазкур шартнома бўйича мулк хукукини ўзида саклаб колади. Бажарилган ишлар Буюртмачига топширилгунга қадар тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

## **6.Ишларни бажариш**

6.1.Пудратчи лойиха ишларига лойиха бош муҳандисни тайинлайди. Бош муҳандис лойиха-смета хужжатлари ҚМК, ШНК ва бошка мөърий хужжатларга мувофик ишлаб чиқилишини назорат килади, бажариладиган ишлар боскичларини келишади ва бажарилётган ишлар хакида Буюртмачига ахборот тақдим қилиб боради. Лойиха-смета хужжатларини белгиланган муддатда, курилиш ишларини бажариш давомида муаммоли холатлар вужудга келмайдиган холатда, асосли ҳамда сифатли қилиб Буюртмачига топширади.

## **7.Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари**

7.1.Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлик бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

## **8.Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

8.1.Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказилган заарларни коплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошка конун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

8.2 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, тегишли дастур бўйича лойиха ишларига маблаглар берилгандан сўнг ўз вактида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларни бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни коплашдан озод килмайди.

8.3. Пудратчи ишларни ўз вактида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

8.4. Жарималарни тўлаш томонларни ўз мажбуриятларини бажарышдан озод килмайди.

8.5. Шартнома муддатидан олдин бекор килинган тақдирда, томонлар келишув далолатномасини тузадилар, унга қўра, Буюртмачи 10 кун тчида, далолатнома имзоланган вактдан бошлаб, Пудратчига какиқий харажатларини тўлаш шарт, ёки агар Пудратчи томонидан ўтказилган сумма Шартнома бўйича хакикий килинган харажатдан ошса, иккинчиси юкоридаги далолатномани тарафлар имзолаган кундан бошлаб 10 кун ичida фарқ суммасини кайташига мажбур бўлади.

## **9.Низоларни ҳал қилиш**

9.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар конун хужжатларида белгиланган тартибда Фағона туманлараро иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## **10.Коррупцияга карши курашишга доир мажбурий шартлар**

10.1.Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

-коррупцияга карши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси конунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-харакатларни амалга оширимаслик;

-шу жумладан, пора таклиф қилмаслиги, вайда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян харакатларни бажармаслиги шарт;

-томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;

-агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси конунларига зид бўлган ҳатти-харакатлари, шу жумладан коррупциявий хукукбузарликларни содир этганлиги ҳакида алоқа каналларига мурожаат қилиши мумкин.

## **11.Шартномани бекор қилиш**

11.1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сонли карорининг 3-бандига асосан 2020 йил 1 июляга қадар архитектура-шарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда Пудрат ташкилотига берилган лицензия ушбу карор талабларидан келиб чиқиб кайта расмийлаштирилмаганлиги аникланган ҳолда (Пудратчининг лицензиясиз фаолият кўрсатганлиги маълум бўлиши).

11.2.Ўзбекистон Республикаси Иктисодий тараккиёт ва камбағалликни кискартириш вазирлиги хузуридаги “Лойихалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонасининг Техник топшириқнинг иш ҳажмлари ва уларнинг нарх параметрлари қисмida ўтказилган комплекс экспертиза натижалари бўйича Пудрат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган архитектура-шахарсозлик хужжатларига ижобий хулоса берилмаган тақдирда.


11.3. Пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни суст бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аник бўлиб колса, Буюртмачи иш натижаси ўзига белгиланган тартибда тўлик ва сифатли шаклда топширилгунига қадар истаган вақтида шартномадан воз кечиши мумкин.

11.4. Шартномани бекор килишга қарор килган томон иккинчи томонга ёзма равишда билдиришнома юборади.  
11.5. Шартномани бир томонлама бекор килинишига йўл кўйилмайди.

**12. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:**

**«Буюртмачи»**

Сирдарё-Суҳ ИТХБ хузуридаги  
Мелиоратив экспедицияси  
Манзил: Фарғона ш. Ал-Фарғоний кўча №72 уй  
Тел./факс: 73- 244-74-80  
ШХР: 100021860304017042402170018  
Ташкилотнинг СТИРи: 200146500  
Фарғона вилояти буйича Ғазначилик  
бошкармаси  
ЯГХ: 23 402 000 300 100 001 010  
Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шахар  
Бош бошкармаси Хисоб-китоб-касса маркази  
(ХККМ) МФО: 00014 Ғазначилик  
булинмасининг  
СТИРи: 201 122 919

Директор:  З.Исмоилов

Хукукшунос: 

**«Фарғона Раҳматжон Топограф»Х/К**

Фарғона ш.Ал.Фарғоний к 74 уй  
х/р 20208000304670773001

“Хамкор” банк Истиқбол филиали.

МФО 00965 ИИН: 300678571

ОКОНХ 66000

Тел: 90-409-69-99

Директор:  З.Рахматов

